

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «16» 5

2022-76-2-35-ОВ-сон

Жондор туман.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Жондор туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор И.Музаффаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Асил Аъзам строй” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Н.Хомидов иккинчи томондан Бухоро вилоят Жондор тумани Навгари МФЙ М.Торобий кучасидаги ахоли япаш уйлари олд томон навес (соябон) кисмини капитал таъмиглашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

### 1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килинши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги сиязи тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш норматери ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бени роҳага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади.

“вактинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрганиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинонар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқини ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектни умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ томондан Бухоро вилоят Жондор тумани Навгари МФЙ М.Торобий кучасидаги ахоли япаш уйлари олд томон навес (соябон) кисмини капитал таъмилаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи жою Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниклangan ва танлов комиссиясининг карори (2022 йил “12” майдаги баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда 22 025 000 (Йигирма икки миллион йигирма беш минг саксон) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлгандা;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгарилилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгаририлганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, ажоматер, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариши үз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларниң ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзида бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олидида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилища техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 2ни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 6 607 500 (Олти миллион олти юз етти минг беш юз) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин за объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши кавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган маъбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томондама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки башка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартлариде беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш

учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишилар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтирида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни кўриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулж зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чинса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишида узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласди.

43. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бир шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклиdir.

#### **XI. Курилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш**

44. Курилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилгай барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган қойдаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи

томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишни;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 3 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этиласа, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хуқукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш қурилишда Давлат назорети инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжатлик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боялиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган холда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боялиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0.02 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этгай ёки бош тортган сумманинг 50 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушриш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.02 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартераф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишида Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 15 фоизи миқдорида ундириш ҳукукига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқукига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажартган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришта ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Жондор туман хокимлиги  
Ободонлаштириш бошкармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Манзил: Жондор туман  
М.Торобий кучаси  
Тел./факс 58-23-490

Фазна./х р 23402000300100001010.  
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.  
ХККМ

МФО 00014 ИНН 201807855  
ОКОНХ 90211

ш/х 100022860062467065200110003

Жондор туман Фазначилик бўлинмаси

Банк йоми. Марказий банк Тошкент ш.

ХККМ



ИНН 201122919

И.Музafferov

Пудратчи:

“Асил Аъзам строй” МЧЖ

Бухоро вилояти Жондор тумани Алели  
МФЙ

Тел 94- 543-71-71  
Банк: Алока Банк Тошкент ш. Бош офиси

X/P: 20208 000 905 110 789 001

МФО: 00401 ИНН: 306637278

Рахбар:  Н.Хомидов

М.У. (имзо)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjat raqami: FP15178806

2. Loyihaning turi: Shartnoma

3. Loyihaning nomi:

“Pudrat shartnomasi tuzish to’g’risida”

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Jondor tumani hokimligi obodonlashtirish bo‘limi tomondan 22025000 (Yigirma ikki million yigirma besh ming sakson) so‘mlik pudrat shartnomasi tuzish to’g’risda ishlab chiqilgan va 2022-yil 13-may kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.



**Jondor tuman yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**

**A.Rasulov**

2022-yil 16-may

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 79592 на приобретение Бухоро вилоят Жондор тумани Навгади МФЙ М.Торобий кучасидаги ахоли яшаш уйлари олд томон навес (соябон) кисмини капитал таъмирлаш учун**

Способ проведения электронный

Дата 12.05.2022

Время рассмотрения 11.05.2022 20:21

Закупочная комиссия Жондор туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	QURBONOVA DILNOZA ISMOIL QIZI	Омбор мудири	Ободонлаштириш
<b>Секретарь комиссии</b>	USMANOV MARSEL MARATOVICH	Техник назоратчи	Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	XOLOV MUXTOR MURODOVICH	Бош мухандис	Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	SIDDIQOV SOHIB SOBIR O'G'LII	Булим бошлиги	Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	TOXIROV MUROD NOROVICH	Бош хисобчи	Ободонлаштириш
<b>Председатель комиссии</b>	MUZAFFAROV ILHOM NURIDDINOVICH	Бошкарма бошлиги	Ободонлаштириш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.05.2022 года № лота 79592.  
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту жилых зданий
Подробное описание	Бухоро вилоят Жондор тумани Навгади МФЙ М.Торобий кучасидаги ахоли яшаш уйлари олд томон навес (соябон) кисмини капитал таъмирлаш учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	22 025 000.00
Стартовая сумма	22 025 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш стажи

Тип: Числовое значение

Описание: Шу соҳада етарли иш стажи

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 3 до 5 лет

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A`ZAM STROY	15	5	15	Системная		
EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ	15	5	15	Системная		

Критерий №2 Ишларни бажариш муддати

Тип: Числовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этмаслиги лозим

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 30 до 45 кун

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A`ZAM STROY	15	45	15	Системная		
EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ	15	40	10.31	Системная		

Критерий №3 Кафолат муддати

Тип: Числовое значение

Описание: Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 180 до 240 кун

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A`ZAM STROY	15	240	15	Системная		
EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ	15	240	15	Системная		

Критерий №4 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Шу сохада олдин килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A`ZAM STROY	15	корхонамиз олдиндан шу сохада йиллар давомида сифатли ишлаб келмоқда	10	Экспертная		
EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ	15	корхонамиз олдиндан шу сохада йиллар давомида сифатли ишлаб	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		келмокда				

Критерий №5 Моддий таъминот

Тип: Бинарное значение

Описание: Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A'ZAM STROY	15	1	15	Экспертная		
EKS KLYUZIV QURILISH MCHJ	15	1	5	Экспертная		

Критерий №6 Моддий-техника базаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишни уз вактида бажариш учун зарурий моддий-техника базаси мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A'ZAM STROY	15	1	15	Экспертная		
EKS KLYUZIV QURILISH MCHJ	15	1	5	Экспертная		

Критерий №7 Коррупцияга карши талаблар

Тип: Бинарное значение

Описание: 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ASIL A'ZAM STROY	15	1	14	Экспертная		
EKS KLYUZIV QURILISH MCHJ	15	1	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО ASIL A'ZAM STROY	22 025 000.00	22 025 000.00 UZS	22 025 000.00	00.00	22 025 000.00	05.05.2022 16:04:30	10

EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ	22 025 000.00	22 025 000.00 UZS	22 025 000.00	00.00	22 025 000.00	11.05.2022 18:20:57	10
--------------------------	---------------	-------------------	---------------	-------	---------------	---------------------	----

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ASIL A'ZAM STROY	84.6	10	94.6
EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ	55.8	10	65.8

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 79592 от 12.05.2022 года на приобретение Бухоро вилоят Жондор тумани Навгади МФЙ М.Торобий кучасидаги ахоли яшаш уйлари олд томон навес (соябон) кисмини капитал тъьмирлаш учун определила победителем:

ООО ASIL A'ZAM STROY  
306637278

и резервный исполнитель: EKSKLYUZIV QURILISH MCHJ (305066942)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MUZAFFAROV ILHOM NURIDDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLOV MUXTOR MURODOVICH	Согласен	
Член комиссии	SIDDIQOV SOHIB SOBIR O'G'LII	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



## BUXORO VILOYATI JONDOR TUMAN HOKIMI FARMOYISHI

200600, Jondor tumani, M.Tarobiy ko'chasi, 26-uy. Tel: (65) 58-21-853, faks: 58-22-653, jondor.t@exat.uz

2022 - yil 31 - yanvar

4-2-35-F/22

Jondor tuman hokimligi

### Туман ҳокимлигига қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида

“Жондор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил эркин колдик маблаглари хисобидан маблагларни йўналтириш тўғрисида”ги, Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 24 январдаги VI-49-12-2-35-K/22-сонли қарорига асосан, 2022 йил туман маҳаллий бюджетида кўзда тутилмаган харажатларга қўшимча маблағ ажратиш мақсадида:

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил эркин колдик маблағлари хисобидан жами 2 476 500,0 (Икки миллиард тўрт юз етмиш олти миллион беш юз) минг сўм иловага мувофиқ ажратилсин.
2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (У.Янгиев)га, 2022 йил туман маҳаллий бюджетига белгилangan тартибда тегишли ўзgartiriш киритиш топширилсин.
3. Туман Газначилик бўлинмаси (З.Нуриддинов)га, ажратилган маблагни белгилangan тартибда кўчириб бериш топширилсин.
4. Туман ҳокимлиги бош хисобчиси Ж.Комиловга, ажратилган маблағни қатъий мақсадга мувофиқ сарфлаш топширилсин.
5. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат килиш туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosari И.Юсупов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



С.Хикматов

Жондор туман ҳокимишинг  
2022 йил 31 январдаги  
4-2-35-F/22-сон фармойишига  
1-илова

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағ микдори (минг сўмда)	Ташкилот номи
1	Туман ҳокимлиги хузуридаги “Фукаролар ташаббуси жамғармаси”га	996 600,0	Туман ҳокимлиги
2	Туман ҳокимлиги хузуридаги “Аёллар дафтари”га киритилган фукароларни ижтимоий қўллаб-куватлаш жамғармасига	498 300,0	Молия бўлими
3	Туман ҳокимлиги хузуридаги “Ёшлилар дафтари”га киритилган фукароларни ижтимоий қўллаб-куватлаш жамғармасига	498 300,0	Молия бўлими
4	Ички йўлларни тартибга келтириш харажатлари	117 200,0	Ободонлаштириш бошқармаси
5	Махалла фуқаролар йигинларини раҳбатлантириш жамғармасига	99 660,0	Махалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бўлимига
6	Дараҳт ва буталарнинг зааркунандалар ҳамда касалликларига қарши курашиш гадбиrlарига	66 440,0	Ободонлаштириш бошқармаси
7	Туман марказидаги 5 та кўп қаватли уй жойларнинг фасад кисмини таъмиглаш харажатларига	200 000,0	Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Жами</b>		<b>2 476 500,0</b>	